

Куръон уммати



Аллох таолога хамду санолар, Расули Мухаммадга дуруд ва салавотлар бўлсин! Мухтарам ўқувчи! Ушбу суҳбатда сиз билан Аллох тало Ўз Расулига хамнишин килиш учун танлаган, Ислом умматининг энг афзал авлоди бўлмиш саҳобаи киромларнинг Куръони Карим борасида тутган йўллари, унга бўлган муносабатлари хусусида ўртоқлашмоқчимиз.

Саҳобалар Куръони Каримни Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)дан бевосита қабул килиб олган зотлардир. Улар ушбу жараённинг тирик гувоҳларидирлар. Уларнинг ҳаётларини шу мавзу атрофида ўрганиш ўша давр хавосини туйиш, уни тўғри тасаввур килишга ёрдам беради.

Саҳобалар Куръонга қай тарзда иймон келтиришган? Уни қандай қабул килишган? У ҳақда қандай тасаввурда бўлишган? Унга қандай муносабат билдиришган? У тўғрилик нималарга эришишган? Ушбу саволларга ҳолисона жавоб топилса, Куръон ҳақидаги кўплаб ҳақиқатлар намойиш бўлади, саҳобаларнинг буюкликларининг бош сабаби нимада экани ҳам равшанлашади.

Кўпчилик саҳобаларнинг Исломдан олдинги ҳаёти ҳам, кейинги ҳаёти ҳам тарихдан маълум. Уларнинг ақл-заковати, қарашлари, ўлчовлари, одамгарчилиги, умуман, инсоний хусусиятлари бугунги одамларникидан фарқ қилмайди, яъни улар ҳам ҳудди биз каби инсонлар бўлишган. Улар ҳам рост билан ёлгонни, сохталик билан ҳақиқийликни жуда яхши ажратишган. Балки инсоф билан айтилса, улар бу борада бугунгилардан кўра юқори ва мусаффо бўлган. Улар мусулмон бўлишларидан олдин бузук эътиқод ва амалларга ружуъ қўйган бўлсалар ҳам, ноҳақлик, ёлгон, қаллоблик каби ноинсоний ҳуқуқлардан қаттиқ жирканишган. Мазлумларнинг ҳимояси учун, орият учун қасам ичиб, жондан кечиб жанг қилишгача борганлари бунга ёркин далил бўлади. Кейинчалик дунёнинг сал қам тўртдан бирини бошқара билганларидан ҳам уларнинг салоҳияти нақадар юқсак бўлганини англаш мумкин.

У пайтларда Макка шаҳрининг аҳолиси ҳозирги кичик қишлоқларнинг аҳолисича бор эди,

шу боис хамма бир-бирини танир эди. Айникса, Мухаммад ибн Абдуллох (соллаллоху алайхи васаллам)ни хамма беш кўлдек биларди. Улар у Зотнинг кариндош-уруглари, кўни-кўшнилари, ошна-огайнилари, жиянлари, таниш-билишлари эдилар. Макка ахли Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)ни ёшликларидан билар, у Зотнинг ота-боболарини хам яхши танир, уларнинг кўпчилиги у Зот билан бирга ўсиб, бирга катта бўлганлар эди. Хуллас, у Зот уларнинг кўз ўнгида улгайиб, улар билан бирга яшаб келган эдилар.

Милодий 610 йил. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларига пайгамбарлик келгани хакида сўзлай бошладилар. Дастилаб кўпчилик ишонмади. Шу кунгача кавм у Зотни камоли яхши таниганидан «амин», яъни ўта ишончли, ростгўй, омонатдор одам деб атар, у Зотнинг ўқиш-ёзишни ўрганмаганларини, шу кунгача ҳеч кимдан ҳеч қандай таълим олмаганларини жуда яхши билар эди. Лекин Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг мазкур даъволарини тасдиқлашга келганда, барибир, тўхталиб қолишди. Кўпчилик инкор ва гумону бўхтон йўлини тутди, кечагина энг севган кишиларига нисбатан энг ашаддий душманга айланишди. Аммо вақт ўтиши билан кузатувлар ўзанни тамоман бошқа тарафга буриб юборди.

Куръони Карим калбларни бирин-кетин асир ола бошлади. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўзларига нозил килинган вахий □ Куръон оятларини кишиларга ўқиб эшиттирар эканлар, уни тинглаган эркагу аёл, каттаю кичик, бой-камбагал, кучли-кучсиз □ барча бирдек унинг каршисида тиз чўкишга мажбур бўларди. Сўз усталари, шоиру адиблар харчанд уринмасин, унга ўхшаш бирор нарса ёза олишмади.

Сахобалар соф араб эдилар, араб тилининг имконияту сир-асрорларини яхши биладиган, ўрни келса, бу борада беллаша оладиган одамлар эди. Аммо улар Куръонни тинглар эканлар, унинг инсоний калом эмаслигини англаб бордилар. Улар назми хам, насрни хам, шеърни хам, касидаларни хам яхши билишарди, бироқ Куръон уларнинг ҳеч бирига ҳеч бир жихатдан ўхшамасди. Зеро, бу Калом инсон сўзлайдиган каломдан тамоман ўзгача, кўз илгамас даражада юксак эди, хатто Пайгамбар Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг гап-сўзларидан хам тубдан фарк қилар, равшан ажраб турар эди. Унинг хитоблари самовий эканини, ерга хос эмаслигини уйғок калблар ич-ичидан хис этарди.

Шундай қилиб, кавмнинг энг доно, ақлли, холис ва мустакил фикрлай оладиган, олийжаноб кишилари бирин-кетин мусулмон бўлиб борди. Сон-саноксиз ижтимоий, иктисодий, сиёсий, диний тўсикларга карамай, Исломга қирувчиларнинг сони ортиб борарди. Бу эса узок вақт синчковлик билан кузатиш, сўраб-суриштириш ва керакли билим натижасида юзага келган ўта аниқ ишонч, ички туртки, калбий қувватнинг самараси эди. Сахобаларнинг хар бири Куръоннинг илохий калом эканига ана шу зайлда, комил ишонч билан, худди кўриб, ушлаб турган нарсасига ишонгандек, калби буткул таскин топган холда иймон келтирган эди. Шунинг учун хам уларнинг бирортаси диндан қайтмаган, аксинча, бу йўлда молу жонини фидо қилган, жондан кечса кечган,

аммо Исломдан кечмаган.

Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) кишиларни Исломга даъват килишда, аввало, уларга Куръон тиловат килиб берардилар. Мусулмон бўлганларга илк ўргатадиган нарсалари ҳам Куръон оятлари бўларди. Янги мусулмон бўлган кишиларни олдинрок Исломга кирган саҳобаларга йўллаб, «**Биродарларингизга Куръон ўргатинглар**», дердилар.

Саҳобалар Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)га вахий нозил бўлишига кўп гувоҳ бўлишарди. У Зот ҳеч қачон бир муддат уйга беркиниб олиб, кейин чикиб: «**Менга мана бу оят нозил бўлди**»

, демасдилар. Аксинча, Куръон кўпинча Набий (соллalloху алайхи васаллам) одамлар орасида ўтирганларида, кишилар у Зотни саволга тутиб турганда, йўлда, уловда, масжидда эканларида нозил бўларди. Вахий тушганда Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) бошларини куйи солганча жим бўлиб колар, бутун вужудларида ўзгариш юз бериб, ранглари кизариб, хансираб, терлаб кетардилар. Саҳобалар баъзан вахийнинг шарпасини эшитишарди ҳам. Бир сўз билан айтганда, Куръони Карим Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)га саҳобаларнинг кўз ўнгида нозил бўларди.

Саҳобаларнинг хикояларидаги

«Бирдан у Зотга вахий нозил бўлиб колди», «У Зотда вахий нозил бўлаётгандаги холат юз бериб колди»

каби ифодалар ҳам шунга далолат қилади. Шунинг учун саҳобалар Куръони Каримнинг илохий қалом эканига вахийни қабул килиб олаётган зотнинг иймонидек ишончга эга эдилар.

Вахий нозил бўлиши биланок Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) янги инган оятларни атрофларидаги кишиларга ўкиб берардилар, уни қайта кўриб чиқиш, таҳрир қилиш, ўйлаб кўриш каби инсоний тасарруфларга ўрин йўқ эди. Саҳобалар шу захоти оятларни ёдлаб, ёзиб олишга киришар эди. Агар вахий нозил бўлган пайтда ёзишни биладиганлар бўлмаса, котиблар чакиртириларди, улар янги вахийни дархол хатга туширишарди. Зайд ибн Собит (розияллоху анху) котибларнинг ичида масжидга уйи энг яқини бўлгани учун вахийни илк ёзиб олишга кўпинча у киши мушарраф бўларди.

Куръони Карим воқеликка мувофиқ равишда, таркок нозил бўларди. Бир у сурадан, бир бу сурадан оятлар тушарди. Баъзи суралар тўлик нозил бўлса, бошқалари бўлак-бўлак нозил қилинарди. Мисол учун, бир ярим порача келадиган Анъом сураси биттада нозил қилинган бўлса, энг қиска суралардан бири Моъун сурасининг ярми Маккада, ярми Мадинада нозил бўлган. Оятлар басмала билан бошланса, бу унинг янги суранинг аввали эканини билдирарди. Бошка оятларнинг қайси сурага, қайси оятдан кейин қўйилиши вахий асносида белгиланарди. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) вахийда бор гапни тўлигича саҳобаларга етказардилар. Ўз навбатида, саҳобалар ҳам оятларни ўзларига ўргатилгандек ёдлаб, ёзиб боришар ва бир-бирларига етказишар эди. Вахийдан бирор нарсани ўтказиб юбормаслик учун айрим саҳобалар Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг хузурларида навбатлашиб шай турар, баъзи саҳобалар ишдан тўғри масжидга келиб, хар қунги оятларни ўрганиб борар эди.

Шундай килиб, Куръони Карим Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам)нинг қалбларига иниб, тилларига ўтиб, саҳобалар ўртасида яшин тезлигида тарқар, Пайгамбар (алайхиссалом) бошлик мусулмонларнинг қалбида жамланиб борар эди. Йигирма уч йил мобайнида нозил бўлган оятлар ўнлаб, юзлаб инсонларнинг қалбида ёд олиниб, ёзма равишда қайдлаб борилди. Сура ва оятларнинг юз бериб турган

ходисаларга боглик равишда, ижтимоий талабларга мувофик равишда, вокеий суратда туширилиши хам уларнинг кишилар калбида мустахам ўрнашиб боришини таъминларди. Шу боис Куръони Карим саҳобаи киромларнинг хотирасига худди ҳаёт тарзидек сингиб борарди. Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху): «Куръони Каримда бирор оят йўқки, унинг қачон, қаерда ва нима сабабдан нозил бўлганини билмасам», дея бежиз даъво қилмаган эди.

Куръон саҳобаларнинг бутун борлигини ўзгартириб юборди. Улар Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га янги оятлар нозил бўлишини интиклик билан кутишарди. Ўрганган сура ва оятларини такрорлар эканлар, беихтиёр кўзларидан шашкатор ёш қуйиларди. Бу илохий каломдан нурга тўлиб, қалб жунбушга келиб, шавқлари қайнаб, уни баралла тиловат қилишга ошиқиб кетишарди.

Маккада Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху) ўз уйига бир намозгоҳ қилиб олиб, ўша ерда Куръон ўқирди. У кишининг тиловатини тингаш учун уй атрофида катта-кичик, эркагу аёл тўпланар, ҳатто одамлар минди-минди бўлиб кетар эди. Уларни ҳеч қим чақириб қелмасди, илло Куръоннинг хитоблари уларни асир қилиб қўяганди. Бундан ташвишга тушган Макка мушриклари Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху)га овоз чиқариб кироат қилишини ман қилишгача боришди.

Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)ни йўқ қилишга қилич яланғочлаб турган Умар ибн Хаттоб сингисининг уйида Тоҳо сурасини тинглар экан, ўзини йўқотиб қўйди ва беихтиёр «Бу инсоннинг сўзи эмас», деди-ю, мусулмон бўлишга азму қарор қилди.

Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) ўзи яқиндагина мусулмон бўлган эди. Жисмонан заиф, ҳимоячи йўқ бўлишга қарамай, мушрикларга Куръон эшиттиришга аҳд қилди. Раҳмон сурасини баралла ўқиб берди. Бунинг натижасида мушриклар у кишини қалажон қилиб қалтаклашди. Лекин бу «жазо» у кишини Куръон ҳақидаги ниятини ўзгартира олмади. «Олдин қалтаклашларидан қўчиб туриб ўқигандим, энди қалтагини ҳам қўрдим ва ундан қўрқиш ҳам қолмади. Насиб қилса, эртага яна Куръон ўқиб эшиттираман», деди. Бирок Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бунга руҳсат бермадилар.

Макка даври. Саноклигина кишилар мусулмон бўлган. Куръонни мусулмонларга пухта сингдириш, шу билан уларни тарбиялаш, руҳан қоллаш, юқсалтириш мақсадида Аллох таоло Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) бошлиқ мусулмонларни қечаси озгина ухлаб, қолган пайтда намозда Куръон тиловат қилишга буюрди: «Эй, ўраниб ётган! Қечанинг озгинасидан бошқасини (ибодат ила) бедор ўтказ. Ярмида ёки ундан бир оз қисқароғида (бедор бўл). Ёки унга яна қўш ва Куръонни тартил билан тиловат қил» (Муззаммил сураси 1-4-оятлар). Бу илохий амр мусулмонларни намоз ва Куръон билан қелажақдаги буюқ ишларга тайёрлади. Қўп тик турганларидан Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг товонлари шишиб кетарди. Бир йил деганда суранинг сўнги оятлари биринчи оятларида айтилган мазкур ҳукми насх қилиб, муяссар бўлганча кироат қилишга амр этилди «Энди ундан муяссар бўлганича кироат қилинлар» (Муззаммил сураси 20-оятлар).

Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Исломни энди қабул қилган яқриблиқ (мадиналик) мусулмонларга Куръон ўргатиш учун Мусъаб ибн Умайр ва Ибн Умму Мактумни Мадинага юбордилар. Маккада нозил бўлган янги оятлар элчилар, мактублар орқали Мадинага етқазиб турилди. Бу сура ва оятлар ҳали Пайгамбар (алайҳиссалом) қелмай туриб, Мадинадаги ҳонадонларда янграй бошлади. Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) Мадинага қелганларида саҳобалар Куръондан билганларини ўқиб беришди. Эндигина ўн бир ёшга тўлган Зайд ибн Собит Аъло сурасига қелган эди, ўшани

у Зотга ўкиб топширди. Зайднинг укувини кўриб, Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) унга сурёний тилини ва ёзишни ўрганишни буюрдилар.

Мадинада илк масжид барпо этилди. Ёнига Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) истикомат килишлари учун оддийгина бир уй ҳам солинди. Энди илохий вахий ушбу заминга инадиган бўлди. Масжид эса бир вақтнинг ўзида ҳам мадраса, ҳам корихона, ҳам кароргоҳ бўлди.

Мадинада Куръон ўрганишга ва ўргатишга ниҳоятда кенг имконият пайдо бўлди.

Котиблар сони кирктага етди. Улар «вахий котиблари» деб аталарди. Масжидда Куръон ўрганиш ва ўргатишга каттик бел боғлаган кишилар бўлиб, корилар деб дастлаб ўшаларни айтишарди, янги мусулмон бўлган кабилаларга Исломдан таълим бериш керак бўлганда ҳам айнан ўшалардан вакил тайинланарди.

Куръони Карим кайдланган битиклардан бир нусхаси масжидда ва Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг уйларида сақланарди. Айрим сахобаларнинг кўлидаги битиклар ҳам жамланиб, тўлик мусхаф бўлиб қолай деганди. Аммо вахий узлуксиз тушиб тургани сабабли Куръон китоб шаклига келтирилмасди.

Хижрий еттинчи-саккизинчи асргача Куръони Карим факат бир йўсинда ўқилди. Араб кабилалари бирин-кетин Исломга кириб, барчалари бир шевага мос бўлган бир хил йўсинда кироат килишга кийналиб қолгач, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг илтижолари сабаб бўлиб, Куръони Каримни етти йўсинда ўқишга изн берилди ва у шундай ўқитила бошланди. Бу йўсинлар шеваларга тўлик бўйсунмаса-да, улар учун Куръонни ўқиш ва ёдлашда қулайлик яратди. Бу турлилик «харф» деб юритилди. Энди сахобалар Куръонни етти харфда ўргана бордилар. Айримлари бир-иккита харфда ўқишни ўрганса, баъзилар барча харфларни жамлашга ҳаракат қиларди. Шундай қилиб, Куръонни ўрганишда яна янги поганаларга юксалинди. Бу ҳам Куръоннинг хусусиятларидан бўлиб, бошқа ҳеч бир каломда йўқ, ҳатто ҳадиси шарифларда ҳам бундай имтиёз қузатилмайди.

Куръон ўқиш сахобаларнинг жону дили эди. Хар бир сахобанинг Куръондан қунлик вазифалари бор эди. Тонгда Мадина кўчаларини айланган киши кироатларнинг садосидан ари уяга кириб қолдиммикин, деб ўйлаб қоларди. Айрим сахобалар хар ҳафтада Куръонни хатм қилишарди. Абдуллох ибн Амр (розияллоху анху)га ўхшаб хар қуни хатм қиладиганлар ҳам бор эди. Сахобаларнинг бу борадаги шижоатлари ҳаддан ортик жўшиб кетганидан Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) уларга бир ойда ё бир ҳафтада хатм қилишни тавсия қилиб, уч кундан оз фурсатда хатм қилишдан қайтаришга мажбур бўлгандилар.

Сахобаларнинг ичида Куръонни шундай гўзал кироат қиладиганлари бор эдики, ҳатто Набий (соллаллоху алайхи васаллам) ҳам улар билан фахрланар, уларнинг Куръон қандай нозил бўлган бўлса, худди шундай ўқиётганларига гувоҳлик берар, уларга улкан савоб ва даражаларни ваъда қилардилар, бошқаларга Куръонни улардан ўрганишни буюрар эдилар. Мисол учун, «Ким Куръонни худди нозил бўлганидек ўқишни истаса, Ибн Умму Абднинг (Абдуллох ибн Масъуднинг) кироатида ўқисин», дердилар. Ибн Масъуднинг кироатидаги ушбу етуклик сабабидан Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) унга тиловат қилдириб, тинглаб ўтиришни яхши кўрар ва кироатидан таъсирланиб йиглардилар ҳам. Убай ибн Каъб (розияллоху анху)нинг кироатдаги

махорати боис Набий (соллаллоху алайхи васаллам) Баййина сурасини унга ўкиб беришга буюрилгандилар. Сахобалар одатда Куръони Каримни бевосита Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ўз огизларидан ўрганишар, бунга имкон топа олмаганлар эса бир-бирларидан таълим олишар эди.

Бундан ташкари, сахобалар хар куни уч махал жахрий намозларда, жумъа намози ва хутбаларда хам Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан Куръон эшитишарди.

Айникса, Рамазондаги тунги намозларда у Зотга иктидо килиб, узундан-узун кироатларини тинглашарди. Хатто Зайд ибн Собит (розияллоху анху) Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Рамазонда вахий фариштаси Жаброил (алайхиссалом)га килиб берган сўнги хатмларига гувоҳ хам бўлган эди.

Сахобалар Куръоннинг маъноларини англашда ва унга амал килишда хам беназир эдилар. Нозил бўлган оятларга эшитилган ондан амал килишарди. Абдуллох ибн Умар (розияллоху анхумо) айтганидек, беш-ўн оятдан таълим олишар, уларда каерда тўхтаб, каердан бошлаб ўқишдан тортиб, уларнинг хукмларигача ўрганишар, уларга амал килмай туриб кейинги оятларга ўтишмас эди. Сахобалар Куръонга амал килишда шунчалар астойдил эдиларки, хатто айрим хукмларнинг нозил бўлишини «сўраб олишган» эди. Жумладан, Умар (розияллоху анху) хамрнинг харом килинишига интиқ бўлиб кетгандилар. Хижаб хакидаги Куръон оятлари хам у кишининг раъйларини тасдиқлаб нозил бўлган эди.

Сахобаи киромларнинг Куръонга бўлган муносабатларидаги яна бир нозик нукта — уни Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг шахсларига боғламаган холда фахмлашлари эди. Бу жуда хам улкан ходиса бўлиб, кўплаб хакикатлардан дарак беради.

Хавла бинт Саълаба (розияллоху анхо) уни зихор килган эри хусусида Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) билан тортишди. Харчанд уринмасин, Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ўз ижтиходлари асосида «Эрингга харом бўлибсан», деявердилар. Шунда Хавла (розияллоху анхо): «У холда шикоятимни ёлғиз Аллохга айтаман», дея чикиб кетди. Нихоят, Мужодала сураси нозил бўлди.

Хўш, нима учун Хавла (розияллоху анхо) Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг жавобларидан коникмай, Аллохга шикоят килмокда? Чунки у ушбу диннинг Эгаси Набий (соллаллоху алайхи васаллам) эмас, Буюк Аллох эканини тўла хис килар эди. Бир неча маротаба мурожаат килинганда хам бир хил жавобда катъий турган Пайгамбар (алайхиссалом) нима учун бирдан ўз гапининг зидди бўлган, умуман бошқача, шу кунгача хеч кимга маълум бўлмаган хукмларни тиловат килиб бермокдалар? Чунки Куръон у Зотнинг ихтиёрларидан юкори манбадан келарди. Шунинг ўзи хам Куръоннинг Аллохдан келган калом эканини англамайдими? Нима учун сахобалар Хавла (розияллоху анхо)ни «Аллох тинглаган аёл» деб аташарди? У хақда баён берган Куръон оятлари Аллохнинг хузуридан нозил бўлгани учун эмасми?

Умар (розияллоху анху) хамр хакида дастлабки оятлар нозил бўлганда бевосита Аллохга мурожаат килиб: «Аллохим! Бизга хамр хакида шифо бўладиган, кифоя киладиган хукмингни индиргин», деб ёлворган эди.

Эътибор беринг, Умар (розияллоху анху) рўпарасида турган Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га эмас, Аллохга мурожаат килмокда!

Оиша (розияллоху анхо)га карши бўхтон уюштирилганда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) илгари хеч рўй бермаган тангликка тушиб колдилар. Бир ой вақт ўтгач, Оиша (розияллоху анхо)нинг поклиги хакида катор оятлар нозил бўлди. Оиша (розияллоху

анхо): «**Мен ўзим поклигим сабаб Аллох, нима килиб бўлса хам, мени оклашига ишонардим-у, аммо мен хакимда тиловат килинадиган оятлар нозил бўлишини сира кутмаган эдим**» , дерди.

Каранг, Пайгамбарнинг ёстикдоши бўлган аёл: «**Эрим мени окласа керак деб тургандим**» , деяётгани йўк, аксинча, «**Аллох, нима килиб бўлса хам, мени оклашига ишонардим**

», демокда ва Аллох мен хакимда оят нозил килишини кутмагандим, демокда!

Расули Акрам (алайхиссалом) вафотларидан олдинги беморликларида уйларида тўпланиб турган саҳобаларга бирор коғоз-калам хозирлашни, уларга васият килмокчи эканларини айтдилар. Шунда Умар розияллоху анху: «**Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га дард голиб келиб колди, кўлимизда Аллохнинг каломи бор, бизга шу етади-ку**» , деди.

Умар (розияллоху анху)нинг ушбу гапларида хам Куръони Каримни Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг шахсларига боғлиқ бўлмаган, балки у Зотдан хам юкори манба деб англаш яқкол кўриниб туради.

Ушбу мисолларни мулохаза килинса, Куръони Каримни Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан қабул килиб олаётган кишилар уни Пайгамбар (алайхиссалом)нинг шахсиятларига боғлиқ эмаслигини хис этиб борганларини кўриш мумкин. Бундай вазиятни сунъий равишда ташкил килишнинг имкони йўк. Бу хам саҳобаларнинг Куръони Карим Аллохнинг каломи эканига бўлган иймонларини бизга намойиш этади.

Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) рафики аълога рихлат килганларида ўнлаб, балки юзлаб саҳобаларнинг калбларига Куръони Карим тўла нақшланган эди.

Пайгамбарларидан айрилган саҳобалар бу фирокдан кейин Куръонга янада кўпроқ эҳтимом бердилар, билмаганларини бир-бирларидан ўрганиб, тўлдириб олишга киришиб кетдилар. Ямома жангида ана шундай «тирик Куръон»лардан бир неча нафари нобуд бўлди. Шунда Умар (розияллоху анху) Куръонни китоб шаклига келтириш таклифи билан чикиб, бу ишга ўзи бош бўлди. У киши ва Зайд ибн Собит (розияллоху анху) билан биргаликда Масжиди Набавийда одамлардан Куръон битикларини йиғиштириб олишди.

Куръонга машгуллик яна бир поғона юкорилади. Битик қабул бўлиши учун унинг Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)нинг хузурларида ёзилган бўлиши ва бунга икки кишининг гувоҳлик бериши шарт килиб кўйилди. Кўчирма нусхалар инобатга олинмади. Саҳобаларнинг бир эмас, бир нечтаси ёддан билишига карамай, Куръони Каримни китоб шаклида келтиришда бундай огир шартларни кўйишдан мақсад ўта эҳтиёткорлик, Куръоннинг мутаботирлигини таъминлаш ва унинг ёзилиш суратини хам сақлаш эди. Такрибан бир ярим йил деганда вахий котиби, сўнги набавий хатм шохиди Зайд (розияллоху анху) тарафидан дунёдаги биринчи Мусхаф ёзиб битирилди.

Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху)нинг замонида Рамазонда таровех намозида Куръонни хатм килиш жорий килинди. Ушбу хатмда хар рақъатда икки юз оятдан ўкишар эди. Саҳобалар бошлиқ жамоат узок тургандан баъзан хассага таяниб колар эди.

Саҳобалар каерга бормасинлар, барчага Куръондан таълим берардилар. Улар ўзлари Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан бирор сура ва оятни кандай ўрганган бўлсалар, худди шу тарзда ўргатардилар. Кироатлар ўртасида баъзи ихтилофлар пайдо бўла бошлагач, халифа Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) раҳнамолигида Зайд ибн Собит (розияллоху анху) бошлиқ хаттотлар гуруҳи томонидан илк Мусхафдан бир неча нусха кўчирилди. Кироатлар Ислом оламнинг марказий шаҳарларида ўша мусхафлар асосида ўргатиладиган бўлди. Шу тарика саҳобаи киромлар умматни Куръон байроги

остида жамлашга муваффақ бўлдилар.

Хулоса килиб айтганда, саҳобаларнинг барча ҳолатлари ўрнак бўлгани каби Куръони Каримга бўлган муносабатларида ҳам катор ибратлар бор:

1. Куръони Каримга бўлган иймонлари. Ҳа, уларнинг бутун ҳаётларини ўзгартирган, барча фазилатларининг пойдевори бўлган асосий омил мана шудир. Аввало, улар Куръони Каримга таклидий, анъанавий тарзда иймон келтиришмаган, балки яхшилаб текшириб, ўрганиб кўргач, унинг илохий калом эканига кўнгиллари тамом таскин топгач, дилдан ишонганлар. Бунинг учун керакли барча текширув ва синов чораларини ишга солишган. Шу сабаб ва Куръон кўз ўнгиларида нозил бўлгани боис уни тасдиқлаш учун ҳеч қандай илмий тадқиқот ва фанга доир мўъжизаларга эҳтиёж сезмаганлар. Улар учун Куръоннинг илохийлиги кундек равшан, худди Ойу Қуёшнинг борлигидек оддий ҳақиқат эди. Шу боис улар Куръонга бутун вужудлари билан берилдилар ва зафар кучдилар. Куръон амрларини бевосита Аллоҳ субҳонаҳудан олаётгандек қабул қилдилар ва шунинг учун уларга ҳеч иккиланмай, сусткашланмай амал қилдилар. Айтиш мумкинки, биз ҳам агар ўша саодат асрида яшаб, саҳобалар кўрган-билган ҳақиқатларни кўриб, улардек холис ёндаша олганимизда, биз ҳам улар келган хулосага келар эдик ва улардек амал қилишимиз ҳам мумкин эди.

Бизнинг Куръонни ўрганиш, ўқиш ва унга амал қилишдаги лоқайдлигимизнинг асосий сабаби □ Куръонга бўлган иймонимизнинг сустлиги, ёрқин эмаслигидадир. Куръонга бўлган муносабатимиздаги чалкашликлар замоннинг зайли ё ўта ақлли бўлиб кетганимиздан ёки ишимиз кўплигидан эмас, балки унга бўлган иймонимиздаги нуқсон ва маърифатимиз пастлигидандир.

2. Саҳобалар Куръон тиловатига ҳам алоҳида эътибор беришган. Айрим тоифалар «Куръон дастуруламал, асосан амал қилиш учун туширилган», деган гапга шундай ургу беришадими, худди уни тиловат қилишдан манфаат йўқдек тушунчага олиб келади. Бу билан қишлоқлари Куръон ўқишдан қалғанишди. Аслида эса Куръон тиловати унга амал қилишдан ташқари кўплаб ҳайру бараканинг маънавий асоси ҳисобланади.

3. Саҳобалар Куръонни худди бевосита Аллоҳдан қабул қилаётгандек савияга эга бўлганларидан унинг барча амрларига сўзсиз бўйсунганлар ва бунда танглик туймаганлар.

4. Саҳобаларнинг Куръони Каримни ўрганиш ва ўргатишда қўллаган, нубувват илмидан сизиб чиққан илмий манҳажлари, айниқса, Куръонни қитоб шаклида келтиришдаги илмий усуллари суннати мутоҳхаранинг софлигини сақлашда муҳим роль ўйнади. Куръонни асраш ва ўргатишдаги услублар ҳадис илмининг ривожига ҳам бевосита асос бўлди. Айни пайтда, бу илмий манҳаж саҳобаларнинг шахсиятларини очиклаб, уларнинг Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва у Зотга нозил қилинган Куръонга қанчалар ақлу мантик асосида иймон келтирганларига ишора қилади.

5. Куръондан руҳланган, у билан зийнатланган ва қуролланган саҳобалар ер юзида тарихда мисли кўрилмаган тараккиёт босқичини бошлаб бердилар. Инсониятни икки дунё саодати томон етакладилар. Уларнинг асосий қуроллари Куръон эди. Улар Куръон билан нафас олиб, у билан яшардилар. Бир сўз билан айтганда, улар икки оёқда юрадиган тирик Куръонлар эди.

Уларнинг барчасига Аллоҳнинг мўл-қўл розилиги ва раҳмати бўлсин!

Хасанхон Яхё Абдулмажид
Хижрий 1437 йил, Рамазон ойи